

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ СОДИР БЎЛГАНДА ФУҚАРОЛАРНИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБЛИГИ

Рахматов Мохиржон Косимович

Жамоат хавфсизлиги университети

мустақил изланувчиси подполковник

Аннотация:

Ушбу тезисда фавқулодда ҳолатларда унинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда инсонлар хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, фавқулодда ҳолатларни келиб чиқишини олдини олишни ўзига хос хусусиятлари тушунчаси, унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг роли, ҳозирги кунда фавқулодда ҳолатларни олдини олиш, ёки содир бўлган фавқулодда ҳолатларни оқибатини бартараф этиш жаҳондаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида дунёдаги барча мамлакатларнинг диққат марказида деган фикр юритилиб, бизнинг юртимизда ҳам фавқулодда ҳолатларни олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини ҳуқуқий таъминланиши учун олиб борилаётган саъй-харакатлар, хориж тажрибасига таянган ҳолда янги усусларни ишлаб чиқиш ва уни амалётган тадбиқ этиш тўғрисида айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: фавқулодда ҳолатлар, ҳуқуқий таъминлаш, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, фуқаролар хавфсизлигини ҳуқуқий таъминловчи субъектлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг роли, Президентимизнинг 2022- йил 20- декабрдаги ҳалқа ва Олий мажлисга мурожаати, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган 737-сонли конституциявий қонуни, жаҳон олимларини фикри.

Охирги йилларда бутун жаҳон миқёсида фавқулодда ҳолатлар жуда ҳам кўп содир бўлмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, агар фавқулодда ҳолат юз берса, демак у ерда албатта фавқулодда ҳолат оқибатларини бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминланиши зарур бўлади, бу муаммо ҳозирги кунда дунё миқёсида глобал муаммога айланиб бормоқда. Дунёнинг ривожланган етакчи давлатларида бу муаммони олдини олиш ва уни кескин бартараф этиш чора-тадбарлари изчилик билан амалга оширилмоқда ва бу бўйича аниқ режалар давлатнинг қонунчилигига асосан ишлаб чиқилиб, унда фавқулодда ҳолатларда унинг оқибатларини бартараф этиш ва фуқаролар хавфсизликни таъминлашда иштирок этувчи субъектлар аниқ кўрсатилиб, уларнинг бундай вазиятдаги вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган 737-сонли Фавқулодда ҳолат тўғрисидаги конституциявий қонуни ҳам, юртимизда фавқулодда ҳолат содир бўлганда унинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда

фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва унда олиб борилаётган изчил харакатларга пойдевор бўлиб хизмат қиласи десак янглишмаган бўламиз. Фавқулодда ҳолат содир бўлган ҳудудда унинг оқибатлари ўз вақтида бартараф этилмаса, инсонлар хавфсизлиги давлат томонидан етарли даражада таъминланмаса, бунинг оқибати жуда кўп салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин, масалан; инсон хуқуқларининг бузилиши, давлатни иқтисодиётини, олиб борилаётган оқилона сиёсатини издан чиқиши, ҳалқнинг давлатга бўлган ишончини йўқолиши, ўсиб келаётган ёш авлоднинг онгини заҳарланиши ва бошқа кўплаб нохуш ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Фавқулодда ҳолатга, юқорида такидлаб ўтганимиздек Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган 737-сонли “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ти конституциявий қонунида қуидаги тариф бериб ўтилган:

Фавқулодда ҳолат - бу давлатнинг бутун ҳудуди ёки алоҳида маъмурий ҳудудларида вақтинчалик жорий этилган, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат хокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ноъдавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ташкилий-хуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг алоҳида хуқуқий режими¹.

Фавқулодда ҳолатни эълон қилиниши бу фуқароларни хуқуқий хавфсизлигини таъминланиши билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги юртимизда содир бўлган фавқулодда ҳолатларга мисол тариқасида, 2005 йил май ойидаги Андижон вилоятида рўй берган фавқулодда ҳолат, 2022 йил июн ойида эса Қорақалпоғистон Республикасида конституциявий тузимимизга қарши олиб борилган харакатлар натижасида у ерда фавқулодда ҳолат эълон қилинганлигини ва ушбу фавқулодда ҳолат эълон қилинган ҳудудда биринчи навбатда эътибор қаратилган масала бу фуқароларни хавфсизлиги хуқуқий таъминлаш бўлганлигини айтишимиз мумкин.

Бундай ҳолатларда фуқароларни хавфсизлигини таъминлаш ва фавқулотда ҳолат оқибатларини бартараф этиш учун иштирок этувчи субъектлар ва уларнинг вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги 171-сонли “Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида”ти қарори билан тартибга солинган, булар: Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички Ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Мудофаа

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган 737-сонли конституциявий қонуни.

саноати агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хузуридаги Мактабгача таълим агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги хузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги хузуридаги Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти, “Ўзмаҳсусмонтажқурилиш” акциядорлик компанияси, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, Суғурта ташкилотлари, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти, органларидан иборат².

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги 171-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида”ги қарори.

Фавқулодда ҳолат эълон қилинган худудда фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туришда иштирок этувчи кучлар ва воситалар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабря қабул қилинган 737-сонли “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги конституциявий қонунда белгилаб берилган, булар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларининг кучлари ва воситалари³.

Биз биламизки, Фавқулодда ҳолатнинг табиий, техноген ва ижтимоий хусусиятга эга бўлган турлари мавжуд.

Айтиш жоизки ҳозирги кунда дунёдаги рўй бераётган иқлим бузилишлари билан боғлиқ табиий оғатлар, техноген хусусиятган эга бўлган ҳар хил турдаги юқумли инфекцияларни бутун дунё бўйлаб тарқалиши ва бундай шароитда фавқулодда ҳолатларни оқибатларини бартараф этиш учун карантин ҳолатларини бир қанча муддатга эълон қилиниши билан унга ҳалқни риоя қилишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва уни назорат қилиб бир маромда амалга ошишини таъминлаш, бу ҳаммаси Фавқулодда ҳолатларда фуқароларни хавфсизлиги ҳуқуқий таъминлаш ва фавқулодда ҳолат оқибатларини бартараф этиш тадбирларини режалаштириш ва амалга оширишни талаб қиласди.

Жаҳон олимларнинг билдирган фикрича, фавқулодда ҳолатларда жамоат хавфсизлигини таъминлашни режалаштириш ва амалга оширишда маъмурий-ҳуқуқий режимларнинг ўзига хос турлари ва уларни амалга ошириш чегаралари уларнинг мақсади, мамлакатдаги муайян вазиятнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. А.Н.Позднишевнинг фикрича эса жамоат хавфсизлиги ҳаётнинг ижтимоий тизим шароити ва ҳолати сифатини белгилайди, унинг функцияларини амалга ошириш сифати билан тушинтиради, шунингдек, ижтимоий тизимнинг ноқулай ташқи ва ички шароитларда барқарор давлатни сақлаб туриш, жамият хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш қобилияти билан тавсифлайди⁴.

Назаримизда ушбу олим томонидан берилган, мазмунига кўра кенг ифодаланган мазкур таърифлар “жамоат хавфсизлигини таминалаш” тушунчаси моҳиятини тўлиқ ва етарлича очиб бера олмаган.

Бизнинг фикримизча “Жамоат хавфсизлиги” тушунчасини мазмун моҳиятини нисбатан аниқ ва тўғри очиб берган бу- В.В.Гушин деб хисоблаймиз, у жамоат

³ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабря қабул қилинган 737-сонли “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги конституциявий қонуни.

⁴ Позднышев А.Н. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности (теоретико-методологические проблемы): дис. ... докт. юрид. наук. М., 2003. 402 с.

хавфсизлиги таълимотини янада бойитиб, жамоат хавфсизлиги ижтимоий-ҳукуқий ҳодиса эканлигини таъкидлаб, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларига потенциал ёки реал хавф тугдирувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг олдини олиш, локализация қилиш ва бартараф этиш мақсадида ҳукуқий нормалар тизими билан тартибга солинадиган жамоат муносабатлари учун хавф ортишининг билвосита манбалари мажмуи сифатида тушуниш лозимлигини таъкидлаган. Олим шунингдек, хавфсизлик муаммоси инсониятнинг омон қолиши ва барқарор ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим мезонига айланиб бораётганини ва айнан замонавий шароитда хавфсизликнинг етарли даражаси нафақат давлат манфаатлари, балки бутун жамият манфаатларини ҳам қамраб олиши кераклигини таъкидлайди⁵.

Бу олим Жамоат Хавфсизлиги таминлаш бўйича анча аниқ ва тўғри фикрларни илгари сурган деб уйлаймиз. Бунга қўшимча сифатида яна айтиш мумкинки, Жамоат хавфсизлиги таминлаш – бу халқ тинчлигини сақлаш, халқни давлатга бўлган ишончини ошириш, Президентимиз айтганларидек “Халқни рози қилиш” демакдир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки фавқулодда ҳолатларда фуқаролар хавфсизлиги ҳукуқий таминлашни амалга оширишга асос бўладиган бир қатор қонун хужжатлари талабларини тўғри талқин қилиб, ундан тўғри фойдаланмоқлик лозим, айрим ҳолларда ушбу қонун талабларини қўпол равишда бузилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Биз биламиз, ҳозирги кундан шиддат билан ривожланиб бораётган даврда агар давлатда фуқаролар хавфсизлиги ҳукуқий жиҳатдан етарли даражада таъминланмаса, ривожланган давлатлар стандартларга мос келмаса, ушбу давлатга инвесторлар, сайёҳлар ташриф буормайди. Ривожланган давлатлар бундай давлат билан иқтисодий ҳамкорликни амалга ошримайди ва бу ўз-ўзидан давлатни иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолатлар дунёning турли бурчакларида турли мамлакатларда бўлган ва ҳозир ҳам қузатилмоқда. Бу эса мамлакат учун катта йўқотиш хисобланади. Давлатимизнинг бош қомуси бўлган конституциямизнинг **7-моддасида** “Халқ давлат хокимиётининг бирдан-бир манбаидир”⁶ деб эътироф этилган ва бизнинг юртимизда юқорида такидлаб ўтганимиздек содир бўлган фавқулодда ҳолатлар вақтида конституциямизга, қонун ва қонуности хужжатларига оғишмасдан риоя қилинди десак муболага бўлмайди.

Республикамизда ҳозирги кунда Мухтарам юртбошимиз томонидан инвесторларни ва сайёҳарни юртимизга ташрифини ривожлантириш бўйича ҳар бир вилоят хокимларига

⁵ Гущин В.В. Правовые и организационные основы обеспечения общественной безопасности в Российской Федерации при чрезвычайных ситуациях: дис. докт. юрид. наук. М., 1998. 449 с.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг конституцияси.

ва чет давлатлардаги әлчиларимизга бир қатор вазифалар белгилаб берилиб, туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва кун сайин юртимизда чет эл сайёҳларининг ва инвесторларининг сони ортиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан кўриниб турибдики, давлатни фуқароларга бўлган эътибори, юртимиздаги фуқароларнинг хавфсизигини ҳукукий жиҳатдан етарли даражада тамиланаётганлиги ва бизнинг мамлакатимиз ҳам хавфсиз давлатлар қаторида эканлигини кўрсатади.

Хуноса ўрнида шуни айтиш лозимки, ҳар бир давлат ўз байроғи, герби, армияси, худуди ва шу қаторда энг мухими ўз конституциясига эга бўлиши лозим бўлганидек, ҳар бир давлат ҳар томондан хавфсизлиги таъминланган давлатлар қаторида бўлиши учун, ўз ташқи ва ички хавфсизлигини, фуқароларининг хавфсизлигини етарли даражада тамиллаши лозим. Мухтарам юртбошимиз такидлаганидек мамлакатда инсон манфаати биринчи ўринга қўйилиши лозим ва давлат идоралари доимо ҳалқ манфаати учун оғишмай хизмат қилиши керак деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган 737-сонли конституциявий қонуни “Фавқулодда ҳолат тўғриси”да.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги 171-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида”ги қарори.
4. Гущин В.В. Правовые и организационные основы обеспечения общественной безопасности в Российской Федерации при чрезвычайных ситуациях: дис. докт. юрид. наук. М., 1998. 449 с.
5. Позднышев А.Н. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности (теоретико-методологические проблемы): дис. ... докт. юрид. наук. М., 2003. 402 с.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги 27-сонли фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепсияси.